Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
3 декабрь
ШАНБА

№ 95
(12.419)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ОРЗУЛАРИ ЖЎШ УРГАН ЁШЛИК

Бекобод қурилиш касб-ҳунар коллежида шу чоққача бундай эсда қоларлик учрашув, дилдан айтилган таъсирли суҳбат бўлмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб ташкил этилган бу даврада ўтмишдаги машаққатли кунлар бугунги бахтли ёшликка қиёсланди, мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг самаралари хусусида сўз борди.

Таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, Ўзбекистон Миллий академик театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Пўлат Носиров мамлакатда ҳуқуқий давлатни, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустаҳкамлаш босқичлари ҳақида ғапириб беришди.

– Мен Чинозда туғилиб ўсдим, – деди Пўлат Носиров. – Болалик йилларимни эсласам, "Оҳ у етимлик!" дея ҳайқириб юборман. Сизларга насиб этган шундай ҳашаматли бинолларда ўқиш биз учун бир орзу эди. Сизларга ҳавасим келади, болаларим.

Учрашув чинакам жонли мулоқотга айланиб кетди. Сўзга чиққанлар мустақил Ватанга муносиб фарзанд бўлиш ҳақида гапиришди. Бир ўқувчи қиз ўз шеърларини тадбир иштирокчиси бўлган шоирлар назаридан ўтказиб олса, бошқа бир қиз актёр бўлиш учун нима қилмоқ кераклигига қизиқиб, саҳна усталаридан зарур маслаҳатлар олди. Хуллас, бу учрашув коллежнинг орзулари жўш урган ёшларида унутилмас таассурот қолдирди.

Шу куни Ўзбекистон Конституциясига бағишланган бундай маданий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот учрашувлари Бекобод шаҳридаги тиббиёт, Олмалиқ шаҳридаги саноат ва кончилик, Ангрен шаҳридаги тиббиёт коллежлари ҳамда вилоят Давлат педагогика институтида ҳам ташкил этилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: ҳаяжонли суҳбатлардан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, илмий маслаҳат кенгаши аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Д. Мирзакаримов бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланаётгани, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Бу жиҳатлар хўжалик судлари фаолиятида ҳам намоён бўлаётир.

Хўжалик судлари тизимида қонунийлик ва адолатни таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалашга эътибор кучаймоқда. Шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, бу борада қатъий интизом ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Пленум мажлиси муҳокамасига киритилган "Мулк ижараси шартномаси тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарор лойиҳаси мазмунмоҳияти ҳам ана шу мақсадга, хусусан, амалиётда хўжалик судлари томонидан ижарага оид қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги белгиланган.

Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини самарали юритиш учун керакли мол-мулкка эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар уни бошқа шахслардан вақтинча фойдаланиш учун олиши ва шу йўл билан ўз эҳтиёжини қондириши мумкин. Мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкини бошқа биров (ижарачи)га ишлатиш ва фойдаланиш учун берар экан, ҳар иккала тараф ҳам фойда олишни кўзда тутади. Шу боис улар ўртасида шартнома тузилади. Бу хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига тегишли мол-мулкдан тўла фойдаланиши учун қулай имконият яратади. Юртимизда мулк ижараси, прокат шартномаси, транспорт воситалари ижараси шартномаси, бинолар ва иншоотлар ижараси шартномалари кенг қўлланилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, хўжалик судларида кўрилаётган ишларнинг катта қисмини мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низолар ташкил этади.

Ушбу низо ва келишмовчиликларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Ижара тўғрисида"ги ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мажлисда кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Зангиота туманидаги 51-умумтаълим мактабида маданият ва спорт ишлари бўлими, Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши ҳамда Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида Конституциямизнинг жамият ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз юритилди.

ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

Тумандаги 34-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган учрашув эса "Қомусимиз – бахтимиз" деб номланди. Унда шу ҳудуддаги мактабларнинг маънавий-маърифий тарбия масалалари бўйича директор ўринбосарлари ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

ҚАРОР ВА ИЖРО

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда).

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мамлакатимизда кимёвий моддалардан фойдаланишга оид фаолиятни мувофиқлаштириш, бу борадаги халқаро стратегик ёндашувларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлар, йирик саноат корхоналари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Умаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқариш соҳасида табиатга безарар техника ва технологияларни жорий этиш, кимёвий моддалардан самарали фойдаланишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладди. Конституциямиз, ўндан зиёд қонунлар ва икки юз элликдан кўпроқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бу соҳадаги фаолиятни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган тамойилларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида ер, сув, ҳаво мусаффолигини таъминлаш, чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига етказадиган салбий таъсирини камайтиришга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 январда қабул қилинган Ўзбекистонда БМТнинг мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси махсус лойиҳани амалга оширмоқда. Ундан кўзланган мақсад – кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш ишларини мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этиш, бу жараёнда атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига зиён етишининг олдини олиш, экологик қонунчиликни янада такомиллаштиришдир.

Семинарда турли вазирлик, идора, ташкилот, йирик саноат корхоналари вакиллари, олимлар ва мутахассислар Ўзбекистонда кимёвий моддаларни бошқаришнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, бу борадаги ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари, кимёвий чиқиндиларни зарарсизлантириш тизими ва экологик қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг етттинчи ялпи мажлиси 2011 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага – 2011 йил 4 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР СИНОВИ

Қибрай туманидаги молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Конституция – бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур танлов ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Жамоаларнинг танловдаги иштирокига улар томонидан намойиш этилган Конституцияни ўрганиш ва тарғиб этишга доир кўргазмали воситалар, ўқувчиларнинг шу мавзудаги иншолари ҳамда таълим муассасаларида мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларга қараб баҳо берилди.

Барча шартлар бўйича юқори натижаларни эгаллаган Янгийўл техника-иқтисодиёт коллежи жамоаси танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Халқимиз жангчилар, Ватан ҳимоячиларини азалдан ҳурмат қилган, эъзозлаган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий мақоми янада юксалди. Бош Қомусимизда Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши белгиланган. Конституциямизда Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги қайд этилган.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – тинчлик-осойишталик ва барқарор тараққиёт кафолатидир" мавзуида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ҳарбий прокуратура ва Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ҳарбий прокурор, адлия генерал-майори Шуҳрат Узоқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидладди.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши натижасида мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қодир замонавий армияни шакллантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида "Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида", "Мудофаа тўғрисида", Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

– Бундай изчил чора-тадбирлар самарасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий қудрати ва имкониятлари сезиларли равишда ошди, соҳада жиддий ўзгаришлар рўй берди, – дейди Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқув бўлимининг офицери, майор Шоира Мирабдуллаева. – Ҳарбий хизматни ўташ, аскарларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши асосий мақсадга эришиш имконини берди. Бугунги кунда миллий армия сафларида хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун нафақат конституциявий бурч, балки шарафли ишга айланди. Буни сўнгги ўн йилда муддатли ҳарбий хизматни ўташ истагида бўлган йигитлар сони бир неча баравар ортгани, ўз ҳаётини шу касбга бағишлаганлар кўпчиликни ташкил этаётгани ҳам тасдиқлайди.

С. ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири.

2012 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.

ТАДБИР

ТАДБИРКОРЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида давлат Солиқ ва Статистика қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ҳамда республика Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларнинг ижроси муҳокама қилинди. Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилди. Шу жумладан, прокуратура органлари 200 мингдан ортиқ тадбиркор билан бевосита 4000 дан зиёд учрашувлар ўтказиб, 3400 га яқин тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатгани, натижада 6500 та янги иш ўринлари яратилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, айрим маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари ҳамда назорат-текширув идоралари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ҳуқуқларини бузишга йўл қўйгани қаттиқ танқид остига олинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўрни яратишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонунларга сўзсиз амал қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда иштирок этган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, муҳокама қилинган масала бўйича фикр алмашилди, шунингдек, тадбиркорлар давлат бошқарув ва назорат-текширув органлари масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Йиғилиш якунида мутасадди идораларга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу борада мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар биримизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилади, халқимиз иродасини ифода этади. Унинг замирида минг асрлардан бери яшаб келаётган миллий қадрият ва анъаналаримиз мужассам топган.

УНДА МИЛЛИЙЛИК БОШ МЕЗОН

Кундалик иш фаолиятимда Ватанимизнинг тобора гуллаб-яшнаб, камол топиб бораётганига гувоҳ бўламан. Фуқароларнинг ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга эканлигидан фахр ҳиссини туяман. "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" дейилади Конституциямизнинг 11-боби, 13-моддасида.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунос сифатида ҳузуримга турли ҳужжатларга оид ишлар билан ташриф буюраётган одамларни кўп кузатаман. Ўзбек оилаларида асрлар давомида шаклланиб келган садоқат, меҳр-оқибат тушунчалари, келажак авлод тўғрисида ғамхўрлик каби маънавий қадриятларга асосланган қарашлар киши эътиборини ўзига тортади. Фуқароларимиз ҳужжатлаштириш ишларида ҳам қонундан четга чиқмай, маънавий қадриятларга суянган ҳолда фикрлайдилар. Бу ҳам Қомусимиз ва ундаги қонуниятлар халқимиз маънавий дунёсига нақадар чуқур сингиб бораётганидан далолат беради. Чунки, халқимиз – болажон. Ҳамма нарса адолатли бўлишини, имкон қадар муаммо туғилмаслигини истайдиган зукко халқ. Уларнинг сабр-тоқати, бағрикенглиги, энг асосийси – эртанги кунни ўйлаб, ёшларга ғамхўрлик қилишлари муҳим фазилатдир.

Зулфия ОРИФЖОНОВА,
2-давлат нотариал идораси нотариуси.

НАЗОРАТСИЗЛИКДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА БИР ҚАДАМ

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимизнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш доимий эътиборда. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди. Тегишли идора ва муассасаларнинг масъулиятини янада кучайтириш, болаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини барвақт аниқлаш ва бартараф этишга оид тадбирлар самарасини ошириш учун ҳуқуқий замин яратди.



Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хусусида сўз борганида улар томонидан ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика билан бирга амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими тушунилади. Қонунга мувофиқ бу йўналишдаги фаолиятнинг асосий вазифалари вояга етмаганлар назоратсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, бунга имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, қонунга итоаткорликни шакллантириш, ижтимоий хавфли оила ва вояга етмаганларни реабилитация қилиш, уларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат.

Қонуннинг 19-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиши, ижтимоий жиҳатдан хавфли оила ва вояга етмаганларга ёрдам кўрсатиши, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига ёрдам бериши, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи идора ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилди. "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам ёш авлоднинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Қонунга биноан кодекс 188^2-модда билан тўлдирилди. Унда ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компьютер заллари, интернет тармоғи хизматлари хоналари ёки бошқа кўнгилочар жойларнинг раҳбарлари вояга етмаганларнинг тунда ота-онасидан бири ёки улар ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига йўл қўйгани энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

Ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахслар болаларнинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида вояга етмаганларнинг спиртли ичимлик, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўришлари керак.

Шу тариқа вояга етмаган шахсларни қонунларга риоя этиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш бутун жамиятнинг муҳим ишига айланди.

Феруза СОЛИҲОВА,
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ОЛОВ БАЛОСИДАН САҚЛАНИШ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Вилоятимиз моддий-маънавий бойликларини асраш, уларни ёнғиндан ҳимоялаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу саъй-ҳаракатларда фаол қатнашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланмоғи керак. Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлиги тизимини тартибга солишдаги энг катта ютуғимиз бўлиб, унда ҳокимият органлари, корхона ва ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ваколат ва мажбуриятлари қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Шу йилнинг ўтган 10 ойида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли турароржойлари, халқ хўжалиги корхоналарида ёнғинлар содир бўлиши, одамлар жароҳатланишининг олдини олиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдилар. Жумладан, 1475 та таълим ва тарбия, 419 та даволаш муассасалари, 411 та бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ текшириб, 9422 таси мониторинг тариқасида ўрганиб чиқилди, 421620 та шахсий ва 3980 та кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати кўздан кечирилди.

Текширувлар жараёнида ёнғин чиқиши хавфи бўлган 3276 та корхонанинг иши вақтинча тўхтатилди, 15875 та носоз электр асбоб-ускуналари ўчирилди, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 66173 фуқарога 194 млн. 363 минг сўм жарима солинди. Вилоят аҳолиси ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғибот қилиш мақсадида суҳбатлар ўтказилиб, эслатма ва варақалар тарқатилди. Кўрилган ушбу чора-тадбирлар натижасида вилоятда содир бўлган ёнғинлар ҳамда одамларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 16.9 фоизга камайди.

Содир бўлган ёнғинлар аҳоли турароржойларида 3 фоизга, келиб чиқиш сабабларига кўра электр ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилиши 8,6 фоизга, газ ва печь ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик 0,4 фоизга, болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида содир бўлган ёнғинлар 0,6 фоизга камайишига эришилди.

Шу йил 9 ноябрь куни Бўка тумани "Бешкапа" маҳалласида яшовчи фуқаро У. Абдулхаевнинг уйида электр манбаига уланган ҳолда қолдирилган дазмол сабабли ёнғин содир бўлиб, уй томи ва жиҳозлари ёниб кетди. Энг ачинарлиси, уй эгасининг беш ойлик невараси оловдан куйиб, ҳалок бўлди. 5 март куни Зангиота тумани Кўксарой қишлоғидаги Шифобахш сувлар кўчасида яшовчи фуқаро Г. Абдукаримованинг уйида электр ускунасини ишлатиш қоидаси бузилганлиги натижасида ёнғин содир бўлиб, уйнинг томи, шифти ва жиҳозлари ёниб, хонадон 15 млн. сўмдан ортиқ моддий зарар кўрди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, қиш кунлари фуқаролар уйни иситиш мақсадида турли ностандарт мосламалардан фойдаланиш, газ ускуналарини рухсатсиз, ўзбошимчалик билан балконларга ўрнатиш, резина шланг орқали улаб олиш, табиий газдан ва электр қувватидан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликлари керак.

Ёнғин ўз-ўзидан келиб чиқмайди, балки кимнингдир айби билан содир бўлувчи бахтсиз ҳодиса. Унинг олдини олиш эса, ҳар бир кишининг ўз қўлида эканлигини унутмаслик, яшаш ва иш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаси талабларини сўзсиз бажаришлари зарур.

2011 йилнинг 25 ноябридан 25 декабрига қадар республика миқёсида давом этадиган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиши, барча меҳнат жамоаларида, маҳалла, қишлоқ ва турароржойларда ёнғинга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этишда фуқаролар фаол иштирок этишлари лозим.

Тоҳир ОРИПОВ,
вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи.

БИЗ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИМИЗ!

Олий ҳарбий божхона институтида "Истиқболли авлод" нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда "Биз одам савдосига қаршимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда институтнинг профессор ўқитувчилари, тингловчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Конституциямизнинг 13-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Асосий қонунимизнинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Унга кўра, Республика Идоралараро комиссия ташкил этилди. Комиссиянинг "Одам савдосини бартараф қилиш ва олдини олиш, одам савдоси жиноятидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида йўқолган шахсларни аниқлаш, уларни ортга қайтариш ва реабилитация қилиш" бўйича 2009-2010 йиллар давомида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаси одам савдосига қарши курашишни тизимли ва самарали ташкил этишда муҳим роль ўйнади.

Азима КИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

КЎЧМАС МУЛК – КЕТМАС ДАВЛАТ

РИЭЛТОРЛИК ХИЗМАТИ ФУҚАРОЛИК МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг муҳим шартларидан бири мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир.

Мамлакатимизда пухта ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик мақсаддан келиб чиққан ҳолда корхоналарга инвестициялар ва янги технологияларни жалб қилиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятда мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган бир қатор устувор дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга ошириш давом этмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, меъёрий мезонлар ишлаб чиқилиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Риэлторлик хизмати энди мавҳум тушунча бўлмай қолди. Энг адолатли, очиқ-ошкора савдо, олди-сотди фақат риэлторлик хизмати орқали амалга оширилиши ҳозир ҳаммага аён. Айниқса, кўчмас мулк савдосида бу яққол кўзга ташланади. Риэлторлик хизмати бозор иқтисодиётига асосланган ҳар қандай ривожланаётган давлатда иқтисодий параметрларни акс эттирувчи асосий кўзгу ҳисобланади. Ҳозирги пайтда юртимиз иқтисодиётида ҳам кўчмас мулк савдоси тўғридан-тўғри музокаралар жараёнида риэлторлик хизмати асосида амалга оширилаяпти.

"Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 2-боб, 9-моддасига кўра риэлторлик хизмати турлари кўчмас мулк объектлари ва уларнинг ҳуқуқларига доир битимларни тузишда воситачилик қилиш, кўчмас мулк объектлари ва уларнинг ҳуқуқлари савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш ҳамда кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатишдан иборат.

Филиалимиз дастлабки пайтларда асосан давлат мулкини хусусийлаштириш билан шуғулланган бўлса, ҳозир мулкчилик шаклидан қатъи назар, эркин садво йўлга қўйилди. Бу эса вилоятда кўчмас мулкнинг эркин бозорини рағбатлантириш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий инвесторларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида бевосита иштирок этиш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда филиалнинг фаолият кўлами анча кенгайди ва такомиллашди. Риэлторлик хизмати фаолиятида савдоларнинг пировард самараси малакали риэлторлар савиясига бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилиб, ҳудудий филиал шахобчалари билан узвий алоқада иш юритмоқда.

Филиалдаги замонавий компьютерлар интернет тармоғи орқали марказий серверга уланиб, марказлашган электрон савдоларда фаол иштирок этишлари учун риэлторлар ихтиёрига бериб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунни асосида риэлторлик хизмати қоидаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар филиалда фаолият юритаётган риэлторлар билан ўрганиб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда.

Кўрилаётган ушбу чора-тадбирлар савдоларнинг йилдан йилга ривожланиб боришини таъминламоқда. Айни пайтда жорий этилган ягона реестр савдо тизими республиканинг исталган ҳудудидаги тадбиркорларга савдоларда тўғридан-тўғри иштирок этиш имкониятларини яратиб, савдоларнинг ошкоралиги, иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойиллари таъминланмоқда.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари соҳани, хусусан, риэлторлик хизматини ривожлантириш учун қулай қонуний асос вазифасини ўтаётир. Жумладан, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини республика "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ савдоларига чиқариш ҳамда савдода турган мулкларга салоҳиятли харидорлар топиш учун вилоят филиалида иккита савдо риэлтори мавжуд бўлиб, 70 дан зиёд корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Шу билан бирга вилоят филиали риэлторлик хизмати фаолиятини кўчмас мулк бўйича тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан янада ривожлантириш, савдолар ҳажми ва рентабеллик даражасини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бундай савдоларда иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида шундай риэлторлик хизмати шахобчалари ташкил этилмоқда.

Вилоят филиали риэлторлик хизмати борасида юртимиз ва хорижий тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланди. Бир сўз билан айтганда тадбиркорларга, мулкдор ва ишбилармонларга риэлторлик хизмати фаолияти катта қулайликлар яратмоқда. Улар эндиликда сотиб олинган мулк ўзлари учун ҳам, давлат учун ҳам ҳақиқий хазина манбаи эканлигини англаб етмоқдалар. Зеро, бу мулк давлат томонидан кафолатланган бўлиб, келгусида наинки ўз эгалари, балки мамлакатимиз манфаати учун ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, баъзи фуқароларимиз "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунни билмасликлари сабабли ва соддадиллиги оқибатида кўчмас мулк эгалиги учун ҳужжат тайёрлашда, ишни арзон-гаровга "битказиб" беришга ваъда қилган кўча-кўйдаги фирибгарларга алданиб қолмоқдалар. Риэлторлик хизмати эса қонун доирасида фаолият юритади ва фуқаролар ишончини қозонмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳоли вакиллари орасида мулкдорлик ҳисси ортиб бораётгани кузатилмоқда. Бунинг ижобий томони шундаки, мулкдор аввало ўз мулкини мумкин қадар самарали ишлатиш, шу йўл билан фойда кўриш ҳақида ўйлайди. Иккинчидан эса, у нафақат ўз мулкини сақлаб қолишга, балки уни кўпайтиришга ҳаракат қилади. Ва ниҳоят, мулкдор ўз манфаатларини давлат манфаатлари билан уйғунлаштириб бориш йўлларини излаб топиш билан бирга, қонунчиликка таянган ҳолда ўз мулкини турли тажовузлардан ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр туради. Бундай мезонларга суянган тадбиркор асло ютқазмайди.

Анвар ЮСУФХЎЖАЕВ,
"Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ вилоят филиали директори.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги фармойишига асосан Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган телерадиодастурларни яратиш ва тарқатиш соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган халқаро давра суҳбати натижалари асосида ушбу соҳанинг маҳаллий ва халқаро экспертлари ва мутахассислари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида ишлаб чиқилган "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини диққат билан ўрганган ҳолда янада мукаммаллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ва "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамалари боришининг аҳволи, бу борада масъул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга оширилаётган тадбирлар савияси, давра суҳбати, семинарлар ва конференциялар самарадорлиги, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнларининг оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилиши таҳлил қилинди ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолияти сифатини мониторинги бўйича баҳолаш мезони" ҳамда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида кенг жамоатчилик ва аҳолини тизимли равишда хабардор қилиш концепцияси" лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифалар даражасида янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

ЎзА.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ФАЗИЛАТ

Ҳамқишлоғим Айдер ака ва у кишининг умр йўлдоши Эльвира опа билан йўлда ҳамроҳ бўлдик. Суҳбатимиз ҳаммамиз яхши кўрадиган, қайта-қайта томоша қиладиган "Тўйлар муборак" фильмига бурилди. Фильмдаги бир эпизодни эсладим.

Суҳбатдошларимга фильмдаги отахон билан онахоннинг қизиқ ҳангомаси ҳақида гапирганимда, улар негадир жимиб қолишди. Тушундимки, фильмнинг шу жойи билан уларнинг ҳаётида ўхшашлик бор экан. Фильм қаҳрамонлари каби шаръий никоҳдан ўтган бўлсалар-да, расмий никоҳдан ўтмаган эканлар. Турмуш ташвишлари билан бўлиб, бу муҳим масалага жиддий эътибор бермаганларидан афсусланишди. Шунда уларга вақт топиб, туман ФҲДЁ бўлимига боринглар-да, шартта никоҳдан ўтинглар, дедим. "Қандай бўларкин..." дейишди иккаласи ҳам.

Чиноз туман Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш бўлими бошлиғи Дилноза Алимовани бир неча йилдан буён биламан. У хушмуомала, ширинсўз, иш юзасидан ҳар бир фуқаро билан аввалдан танигандек, яқин одамидек муносабатда бўлади.

Ҳамқишлоқларимга уч кунда ФҲДЁ бўлими томонидан тегишли гувоҳнома берилди. Айдер ака билан Эльмира опанинг ёшлари анча улуғ бўлса ҳам тиббий кўрикдан ўтиш хулосаси зарур эди. Улар бу тартибни тўғри қабул қилиб, "Тиббий кўрикдан ўтиш саломатлигимиз учун фойдали, давлатимиз фуқароларига кўрсатаётган бу ғамхўрликдан мамнун бўлишимиз керак" дейишди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда никоҳланувчиларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтиши қонунан кафолатланган. ФҲДЁ ходимлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлишиб, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан учрашиб, аҳоли ўртасида оиланинг муқаддаслиги хусусида тушунтириш ишларини олиб боришади. Бундан ташқари, бўлим ходимлари ўқув муассасалари ёшлари ўртасида никоҳ ва оила муносабатлари тўғрисида суҳбат ва очиқ мулоқотлар ўтказишяпти, туманимизда ўртача никоҳ ёши 20-21 ёшда эканлигини ҳам алоҳида таъкидлашди.

Тойир МЎМИНОВ,
Чиноз туманидаги Эски Тошкент ҚФЙ раиси.

СУРАТДА: (ўртада) ФҲДЁ мудираси Дилноза Алимова ходимлар Гулноза Ҳожимуродова ва Шоҳида Укибаева билан навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ОБУНА – 2012

ЎҚИМИШЛИЛАР ЎҚИЙДИГАН ГАЗЕТАМИ?

"Ҳар ишда рағбат – кўнгилга қувват" деб бежиз айтишмаган. Навбатдаги хизмат сафарига кететуриб, ҳайдовчининг олдидаги газетага кўзим тушди: "Даракчи".

– Газета ўқиб турар экансиз-а?

– Ҳа, албатта, ўқиймиз. Нега ўқимас эканмиз?!

– Кечирасиз, у маънода эмас. "Даракчи"дан бошқа газеталарни ҳам ўқиб турасизми, демоқчи эдим.

– Ҳа, энди, хотин уйда. Рўзғор ишлари билан банд. Зерикиб қолмасин, деб "Бекажон", "Тасвир"ниям олиб тураман.

Унинг оғзига тикилиб турибман. Балки, яна битта-иккита газетанинг номини айтиб қолармикан деб. Йўқ. Фақатгина шу кўнгилочар газеталарни санаб ўтди. Томоғимга аллақандай хўрсиниқ тиқилиб қолгандек бўлди.

– Яна қандай газеталарни биласиз? Лоақал номларини айтоласизми?

Ҳайдовчи ўйланиб қолди.

– Масалан, "Тошкент ҳақиқати"ми, ё...

– Э, бўлди, бўлди. Биламан. "Тошкент ҳақиқати", "Халқ сўзи", "Адабиёт-санъат" (?) ... Онамникида унақа газеталар кўп. Ўқитувчи-да, коллежда дарс беради. Энди бунақа жиддий газеталарни ўқимишлилар ўқийди. Биз олди-қочди ҳангомаларга ишқибоз оддий шофёр бўлсак...

Гап билан бўлиб манзилга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Тўғри Қибрай тумани алоқа бўлимига ўтдик. Алоҳида ойна пештоқига "Обуна бўлими" деб ёзиб қўйилибди.

Анчагина одам навбатда туришибди. Қўлларида обуна варақчалари. Обуна қилинаётган газеталар рўйхати ҳам осиғлиқ. Кўнгил бир орзиқиб тушди. Секин, рўйхатдаги нашрларга кўз ташлайман. "Маърифат", "Гулхан", "Қибрай садоси". Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли нашрларга ёзилмоқчи бўлганлар ҳам кўпчилик.

– Ахир, ёзиламизда, касбимизга тегишли бўлса, иш жараёнида керак бўлиб туради...

Хайрият, шу йўсинда бўлса ҳам обуна бўлишаяпти-ку! Шу пайт, кўҳликкина жувоннинг қўлидаги қоғозда "Тошкент ҳақиқати" – 1 йил (12 ой)га деган ёзувни кўриб, кўнглимиз ёришди.

– Кечирасиз, нега айнан "Тошкент ҳақиқати"га обуна бўляпсиз? – сўрадик ундан.

– Мен шифокорман, – деди у мулойимлик билан. – Газета, журнал ўқишга баъзан вақт тополмай қоламан. Лекин матбуот хабарларини ўқимай бўладими? Мен "Тошкент ҳақиқати"нинг ҳар бир сонини ўқишга ҳаракат қиламан. Ундаги расмий хабарлар, "Ҳаёт сабоқлари", "Чет эл хабарлари" рукни билан бериладиган мақолаларни қизиқиб ўқийман.

– Мен ҳам 4-бетда бериладиган "Жиноятга жазо муқаррар", "Одам савдоси" рукни остидаги мақолаларни ўқиб бораман, – деди кексароқ бир киши. – Нафақада бўлишимга қарамай, газетадан кўнгил узолмайман... Тошкентнинг ҳақиқатию, Қибрайнинг садолари руҳимга тетиклик, дахлдорлик ҳиссини бағишлайди.

Обуначилар билан суҳбатимизни кузатиб турган почтачи қиз ҳам беихтиёр суҳбатга қўшилди:

– "Тошкент ҳақиқати" обунаси бошқа нашрлардан кўп бўлса бордир, лекин кам эмас. Ҳозирнинг ўзида 400 дан ошиб кетди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чунки, газета обунаси билан шуғулланаётган бошқа ташкилотлар ҳам бор-да! Қолаверса, корхона ва муассасаларда ҳали ҳам давом этмоқда обуна...

Кўнгил кишиси учун шу гап ҳам катта рағбат. Ахир газетамизга нисбатан айтилган илиқ сўзлар меҳнатимизга берилаётган баҳода. Тўғри, зарурат юзасидан, фақат ўз хабари ёки мақоласи чиққандагина газетани излаб қолувчи муштарий-мухлисларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин, таъкидлаганимиздек, ҳар бир мақола юзасидан холис фикр билдириб, кўнгилга рағбат, "арғамчига қувват" бериб турадиган жонкуярларимиз ҳам кўп.

– "Тошкент ҳақиқати"ни эрталаб бир кур кўздан кечирмасдан иш бошлай олмайман, – дейди чирчиқлик яна бир мухлисимиз, "Чирчиқ тонги" газетаси муҳаррири Салимахон Яминова. – "Халқ сўзи", "Тошкент ҳақиқати" иш жараёнида туғиладиган саволларга жавоб топишда ҳам бир турткидек гап. Бошқа расмий хабарлар, бадиий публицистик мақолалар-ку, ўз йўлига...

Ана шунақа гаплар. Муштарийларимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш истакларини инобатга олган ҳолда бундан буён ҳам давр, замон билан ҳамнафас ўқишли материаллар тайёрлаш, жамиятимиз тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳамиша зийраклик билан кузатиб бориш ва кенг газетхонлар оммасига етказиб туриш фикри шууримизга ёруғлик бағишлади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БУГУН – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. 2011 йилдаги барча саъй-ҳаракатлар "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остида амалга оширилаётир. Айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногирон кишилар алоҳида эътиборда. Энг муҳими, уларнинг ҳеч бири жамоатчилик назаридан четда қолмаяпти.

Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу хайрли ишда фаоллик кўрсатмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни олдидан Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида яшовчи 200 ногиронни тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси шифокорлари тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари тарқатишди. Шунингдек, жамғарма ходимлари Чирчиқ шаҳар ва Оққўрғон туманида яшовчи кам таъминланган, ногирони бор, Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлган ҳарбийлар оиласи, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, озиқ-овқат ва санитария-гигиена воситалари билан таъминлашди. Ногиронларни соғломлаштириш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясида лаб-танглай туғма нуқсони бўлган 13 ногирон болага жарроҳлик усулида даволанишга кўмаклашилди.

Корея хайрия ташкилотидан келган мутахассислар жамғарманинг вилоят бўлими ёрдамида юрак туғма нуқсони билан ҳисобда турган 8 ногирон болани текшириб, тегишли маслаҳатлар беришди. Кореянинг Сеул шаҳридан келган мутахассислар юрак туғма нуқсони билан ҳисобда турган 5 болани жарроҳлик усулида муолажа қилдилар. Германиянинг "Феденсдорф интернейшнл" ташкилотидан келган мутахассислар турли касалликларга чалинган 30 ногирон болани кўрикдан ўтказдилар. Шунингдек, Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариранг" қариялар уйида Кореянинг Ин-Ха университети мутахассислари 37 боланинг саломатлигини тиклаш хусусида зарур тавсиялар беришди. Бекобод, Оҳангарон туманлари ва Ангрен шаҳридан куйиш оқибатида оғир асорат қолган 3 ногирон бола жарроҳлик йўли билан даволаниш учун Германияга юборилди.

Дунёда инсоннинг кўнглини олишдан буюкроқ хайрли иш йўқ. Аслида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида бундай савобли ишларга бош қўшаётган ташкилотлар кўп. Зеро, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

TURON BANK

Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 19 йиллиги муносабати билан табриклайди.

ОАТ Туронбанк
Сизларга 2 ой муддатга Бепул "SMS Banking" хизматига уланиш ва фойдаланишни таклиф қилади.
Акция 2011 йил 1 декабрдан амал қилади!

ОАК Туронбанк
предлагает Вам подключение услуги "SMS Banking" с обслуживанием на 2 месяца Бесплатно.
Акция действует с 1 декабря 2011 года!

За подключением обращайтесь к своему оператору.

Қўшимча маълумотлар ва "SMS Banking" хизматини ёқтириш учун ўз операторингизга мурожаат қилинг.

Телефон: +(998 97) 700-55-55

Хизматлар лицензияланган.

Туронбанк Сизнинг ҳамкорингиз!

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан, Бекобод тумани "Ёшлик" ХХСКда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1."УАЗ 3303" русумли, д/р 11М3712 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.04.2011 й. №3976. Бошланғич баҳоси – 742 940 сўм. 2. "Газ 330210" русумли, д/р 11U7698 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.10.2010 й. №15145. Бошланғич баҳоси – 10 006 274 сўм. 3. "Ваз 2101" русумли, д/р 11S7323 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.04.2011 й. №3971. Бошланғич баҳоси – 1 942 650 сўм. 4. "Камаз 5320" русумли, д/р 11А8260 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2010 й. №3036. Бошланғич баҳоси – 15 111 059 сўм. 5. "Газ 31029" русумли, д/р 12F8358 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.05.2010 й. №5807. Бошланғич баҳоси – 1 818 673 сўм. 6. "Камаз 5320" русумли, д/р 10 F 952 АА бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.05.2010 й. №5800. Бошланғич баҳоси – 11 455 245 сўм. 7. "Газ-2417" русумли, д/р10R 5668 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.04.2011 й. №3975. Бошланғич баҳоси – 1 904 130 сўм.

Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув қ.ф.й., Тошкент йули кўчасида сақланаётган "Форд Д" русумли, д/р 11К359ВА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, ижро ҳужжати 11.02.2011 й. №76. Бошланғич баҳоси – 4 069 974 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2011 йил 30 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

"NASTARIN-NUR" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Частное предприятие "TOSHKENT SAVDOGAR", зарегистрированное № 989 от 16.12.2003г. отделом гос. регистрации хокимията г. Алмалыка Ташкентской области, расположенное по адресу: ул. Туркистан, 4, (ИНН 204392447), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол № 1 от 02.12.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утерянный диплом BN 050648, выданный в 2001 году "Тошкент Молия институти" регистр. № 7668 А на имя Мурадуллаева Фархода Салохиддиновича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 17.02.2011 йилдаги № 5636-37/20-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-4 мавзеси, Қора йўл кўчасида жойлашган, майдони 72,0 кв.м. бўлган дўкон биноси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 56 172 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2012 йилнинг 6 январь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтишини авваддан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, яъни 2012 йил 4 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Қуйи Чирчиқ туманидаги (собиқ Ғалаба тумани) 24-сонли ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Устемирова Бибижамол Қалбековна номига берилган № 838371 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган (СТИР 302146869) "MIRZO BIZNES SERVIS" МЧЖнинг устав фонди 735 000 000 сўмдан 375 000 000 сўмга камаяётганлигини маълум қилади. Телефон: 309-00-70.

ООО "NOZIMXON MADAD HAMKOR", зарегистрированное отд. гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского района Ташкентской области, расположенное по адресу: г. Келес, ул. Оқибат, дом 4 (ИНН 301707755, ОКПО 23325006), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 02.12.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 255-17-21.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 13.05.2005 йилда Гувоҳнома рақами № 001202 билан рўйхатга олинган (ИНН 204110550) "BILLUR-SAVDO" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Саимназарова Мухаббат Абдулҳакимовна номига 1985 йилда берилган ГТ-I № 6481850 рақамли меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 11.05.2011 йилда Гувоҳнома рақами № 006523 билан рўйхатга олинган (ИНН 301986434) "BEST-FOREVER" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўстонлиқ туманидаги "BO`STON AVTO SARBONI" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган қуйидаги:

Транспорт русуми	Рақам белгиси	Лицензия варақаси
Матиз	10Т825АА	АТ № 0015221
Матиз	10М731ВА	АТ № 0014551

транспорт воситаларига берилган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2011 йил 29 ноябрдаги 56-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ «OQ YO`L» ХФГА ТЕГИШЛИ:

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолияти учун 2008 йил 25 май куни берилган "АТ" серияли 000070 ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолияти учун 2008 йил 4 ноябрь куни берилган "АТ" серияли 000121 рақамли лицензиялар фаолияти 2011 йил 30 ноябрдан бошлаб тўхтатилди.

XXI аср ва ДУНЁ

ҚУВАЙТГА ЯНГИ БОШ ВАЗИР ТАЙИНЛАНДИ

Қувайт амири Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ собиқ мудофаа вазири, ўз қариндоши Жаббор ал-Муборак ас-Сабоҳни мамлакатнинг янги бош вазири этиб тайинлади, дея хабар тарқатди Reuters.

Аммо, у узоқ вақт истеъфодан бош тортиб турди. Бироқ, оммавий норозиликлар пировардида уни мажбур қилди. Ушбу норозиликларда маҳаллий жамиятларнинг деярли барча қатламлари вакиллари иштирок этди. Кичик, аммо, бой амирлик учун бундай қўламдаги оммавий норозилик бутун мамлакат тарихида биринчиси эди.

Янги бош вазир бундан буёнги саъй-ҳаракатлар дастурини ҳали тақдим этгани йўқ. Бироқ, ташқи ва ички сиёсатда тез ва кескин ўзгаришлар қилиш Қувайтга у қадар хос одат эмас.

Ушбу маросим амирнинг қариндоши Носир Муҳаммад ал-Аҳмад ас-Сабоҳ бошлиқ ҳукумат истеъфога чиққанининг иккинчи куни ўтказилди. Собиқ бош вазир кенг қўламдаги коррупцияга оид айбловларга дуч келганидан сўнг истеъфо беришга мажбур бўлди.

ЎХШАМАГАН ҲАЗИЛМИ ЁКИ...

BBC News агентлиги Скотланд-Ярд вакилининг сўзига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, Лондон полициясинин норозилик акцияси қатнашчиларидан камида 75 кишини ҳибсга олди.

Касаба уюшмасининг таъкидлашича, пойтахтдаги намойишларда камида 25 минг киши иштирок этди. Ушбу норозилик намойиши Буюк Британияда 30 ноябрда ўтказилган пенсия бўйича ислоҳотларга қарши қаратилди. Бирмингемдаги намойишларда 30 минг киши қатнашди. Шунингдек, Манчестер ва Кардифф шаҳарларида ҳам кўп минг кишилик намойишлар бўлиб ўтди. Шимолий Ирландияда автобус ва поездлар ҳаракати бутунлай тўхтади.

Мамлакатдаги оммавий норозилик акцияларига консерватор Дэвид Кэмерон бошлиқ коалиционо ҳукумат ҳамда ғазначилик канцлери Жорж Осборннинг пенсиядан тушумларни ошириш, пенсияга чиқишни 67 ёшдан қилиб белгилаш тўғрисидаги ташаббуслари сабаб бўлди. Дэвид Кэмерон иш ташлашларни "муваффақиятсиз ҳазил" деб баҳолади. Вазирлар маҳкамаси аъзоси Фрэнсис Мод эса, норозилик акцияларида қатнашишдан тийилган давлат хизматчиларига миннатдорчилик билдириб, иш ташлашларни "масъулиятсизлик ва ноўрин" уриниш деб атади.

НИГОҲ

ФУТБОЛДА «ЗЎР» ЮТАДИ

Тожикистон футболининг ўзига хос жиҳати ва бунинг мамлакатдаги вазиятга таъсири ҳақида

"Агар меҳмонингизни хушнуд этмоқчи бўлсангиз, унинг фарзандига меҳр кўрсатинг" деган иборани тожикистонликлар жуда яхши тушунишади. Шу боис у ёки бу юқори мансабли шахснинг ўғли ва қизига кўрсатилаётган иззат-ҳурматга қараб, одамларнинг авлод ёки уруғаймоқ етакчиларига муносабатларини аниқлаш жуда осон.

Кўлобда маҳаллий "Равшан" билан пойтахтнинг "Истиқлол" футбол жамоалари учрашувидан сўнг юз берган воқеа ҳурматли президентимиз Имомали Раҳмон зоти олийлари учун жуда кучли ва чуқур маъноли огоҳлантирувчи ишора бўлди. Аслида учрашувнинг якуний натижаси ўйиндан олдиноқ ҳал қилиб бўлинганди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Ахир маҳаллий жамоа пойтахт клуби билан ўйнади-да! Бинобарин, Тожикистон чемпиони бўлган пойтахтлик футболчилар фақат охирги дақиқада ҳакамнинг очиқ-ойдин ёрдамида ғалабани илиб кетганлари ҳақиқатан ҳам ғалаён кўтарилишига сабаб бўладиган ҳол. Ҳа, маҳаллий ўйинчилар уруш йилларида немис назоратчиларига қарши тўп сурган концлагер маҳбуслари ҳолатига тушиб қолган эдилар. Вазиятдан чиқиб кетишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Аммо, энг асосийси кейин, яъни юзлаб футбол мухлислари ғирром ҳакам ва уни ҳимоялаётган ҳуқуқ-тартибот кучларининг адабини бериб қўйишга уринган пайтда юз берди. Бу ғазабнок исён айнан кимга қарши қаратилганини ҳамма яхши биларди. Ахир ўйингоҳ минбарида мамлакатнинг бош "ҳужумчи"си – ҳурматли президент Имомали Раҳмоннинг ўғли Рустам Имомали ўтирган эди-да!

Бизнинг халқимизда шундай ибора бор: "Болаларнинг бойлиги – ота-она". Рустам Имомалининг асосий бойлиги – унинг отаси. Шу боис унинг ўзи контрабанда ва божхона қоидаларини бузишга қарши кураш бошқармаси бошлиғи, Тожикистон Ёшлар иттифоқи раисининг ўринбосари, футбол федерацияси вице-президенти, Осиё мамлакатлари Олимпия қўмитаси аъзоси ва ҳоказо. Шундай экан, шунча ашқол-дашқоллларга эга бўлган майор Рустам Имомалининг ўйингоҳда бўлиши пойтахт клубининг ғалабасини таъминлаши шарт-да. Бундай азиз меҳмоннинг мушугига ким ҳам "пишт!" дея оларди.

Хуллас, маҳаллий ҳуқуқ-тартибот кучлари юқори мансабли меҳмонни ғазабга минган оломондан сақлаб, ҳатто, зудлик билан вертолётга ўтқазиб, қочириб юборишгани заминида анча гаплар бор. Айниқса, Кўлоб Имомали Раҳмон зоти олийларининг ватани экани, Душанбедаги асосий лавозимларнинг кўпини ўз вақтида кўлобликлар эгаллаб тургани ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади. Афсус, бизнинг "ҳаммамиз учун ҳурматли" президентимизнинг оиласи камдан-кам учрайдиган очкўзлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозир Тожикистондаги у ёки бу даражада ёғлиқ мансаб лавозимлари давлат раҳбарининг кўпсонли қариндош-уруғлари қўлида. Яъни барча назорат нуқталари банд этилган. Демак, президентнинг ҳамюртлари – кўлобликлар ҳам Тожикистон халқлари қатори ўша концлагерда оддий маҳбус сифатида яшашмоқда.

Бироқ, Кўлобдаги футбол ўйингоҳида юз берган воқеа зоти олийлари учун ҳамма мухолифатчи сайтларга қараганда даҳшатлироқдир. Тўғри, ҳамма ўзини ақлли деб ўйлайди ва фарзандини фаришта деб билади. Лекин, болангизни ҳар қанча кўкларга кўтарманг, унинг ким эканлигини жамоат яхши билади. Бинобарин, ҳамюртлари зоти олийларига бўлган ишончларини бутунлай йўқотиб, энди унинг оиласини жазосини бериш истагида эканлигини нафақат мухолифатчилар, балки ҳукуматга хайрихоҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам яхши тушунишади. Аммо, зоти олийлари халқнинг нидосини эшитармикин?

Халқ зоти олийлари атрофига тўпланган ҳайбаракаллаларнинг сафсаталаридан чарчади. Имомали Раҳмон раҳнамолигидаги уруғ-аймоқ ҳар сафар иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, тожик халқини камбағаллик ва қашшоқликдан халос этиш ҳақида бонг уради-да, бунинг ўрнига фақат ўзининг янада бойиши учун янги-янги манбаларни излаб топади. Имомали Раҳмоннинг бошдан-оёқ коррупцияга ботган, зулмни тобора кучайтираётган ҳокимиятини бугун бутун мамлакатда ёмон кўришади. Шу боис аҳолининг қаҳр-ғазаби ва норозилик ҳаракати кун сайин кучайиб бораяпти.

Ҳозирги даврга келиб мамлакатимизда янги авлод ўсиб етишди. Уларнинг коррупцияга ғарқ бўлган ҳокимиятга қарши тура олиш салоҳияти фақат футбол майдонидагина намоён бўлиб қолмайди. Бу Тожикистонда вазият кескин ўзгаришига олиб келадими? Албатта! Агар Имомали Раҳмоннинг бола-чақаси суднинг қора курсисига ўтиришни истамаса ёки халқнинг қаҳр-ғазаби қурбонига айланмай, деса хонавайрон бўлган ва талонторож қилинган мамлакатни ташлаб чиқиб кетиши керак. Акс ҳолда ҳамма – юртни талаганлар ҳам, футбол майдонида гол урганлар ҳам, телевидениеда кўрсатув олиб борганлар ҳам бирдек жабр кўради. Зеро, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

Курбонхол БАРАТОВ.
www.centrasia.ru

ШАҲАР ЎРТАСИДА... ҚИРҒОВУЛ

E2E4 телеканали хабарига кўра, гаражлар қоровули Виктор Помазкин Екатеринбург шаҳри марказида дайдиб юрган қирғовулни топиб олди.

Янги меҳмонга уйидан жой бермоқчи эди, бироқ хотинидан гап эшитиб олди. Қолаверса, уйида бароқ мушуги бор, қирғовулнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шу боис Помазкин қушни гаражда боқишга қарор қилиб, унга қутичадан ин ясаб берди. Қирғовул қоровулга ўрганиб, кетидан эргашиб юрадиган, қўлига олиб кўтарса, қаршилик қилмайдиган бўлди.

Шундай бўлсада, қоровулнинг қуш билан хайрлашишига тўғри келди. Негаки, гаражда, бунинг устига қутичада яшаш қирғовулнинг "насл-насабига" мутлақо мос келмасди. Маҳаллий истироҳат боғларидан бири қўлмайди. Бу Тожикистонда вазият кескин ўзгаришига олиб келадими? Албатта! Агар Имомали Раҳмоннинг бола-чақаси суднинг қора курсисига ўтиришни истамаса ёки халқнинг қаҳр-ғазаби қурбонига айланмай, деса хонавайрон бўлган ва талонторож қилинган мамлакатни ташлаб чиқиб кетиши керак. Акс ҳолда ҳамма – юртни талаганлар ҳам, футбол майдонида гол урганлар ҳам, телевидениеда кўрсатув олиб борганлар ҳам бирдек жабр кўради. Зеро, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

Курбонхол БАРАТОВ.
www.centrasia.ru

ШАҲАР ЎРТАСИДА... ҚИРҒОВУЛ

E2E4 телеканали хабарига кўра, гаражлар қоровули Виктор Помазкин Екатеринбург шаҳри марказида дайдиб юрган қирғовулни топиб олди.

Янги меҳмонга уйидан жой бермоқчи эди, бироқ хотинидан гап эшитиб олди. Қолаверса, уйида бароқ мушуги бор, қирғовулнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шу боис Помазкин қушни гаражда боқишга қарор қилиб, унга қутичадан ин ясаб берди. Қирғовул қоровулга ўрганиб, кетидан эргашиб юрадиган, қўлига олиб кўтарса, қаршилик қилмайдиган бўлди.

Шундай бўлсада, қоровулнинг қуш билан хайрлашишига тўғри келди. Негаки, гаражда, бунинг устига қутичада яшаш қирғовулнинг "насл-насабига" мутлақо мос келмасди. Маҳаллий истироҳат боғларидан бири қўлмайди. Бу Тожикистонда вазият кескин ўзгаришига олиб келадими? Албатта! Агар Имомали Раҳмоннинг бола-чақаси суднинг қора курсисига ўтиришни истамаса ёки халқнинг қаҳр-ғазаби қурбонига айланмай, деса хонавайрон бўлган ва талонторож қилинган мамлакатни ташлаб чиқиб кетиши керак. Акс ҳолда ҳамма – юртни талаганлар ҳам, футбол майдонида гол урганлар ҳам, телевидениеда кўрсатув олиб борганлар ҳам бирдек жабр кўради. Зеро, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

Курбонхол БАРАТОВ.
www.centrasia.ru

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйида "Объективда – номоддий маданий мерос" мавзуида кўргазма очилди.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, Бадиий академия, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" ва "Олтин мерос" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА – МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Т.Кўзиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларимиз моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш юзасидан олиб борилаётган тизимли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир қатор ижодий, жамоат ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий меросимизни пухта ўрганиш, кенг тарғиб этиш юзасидан қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Мазкур кўрик-танловдан кўзланган мақсад ҳам умрбоқий анъаналаримиз тарғиботини кучайтириш, бу йўналишдаги ҳаваскор ижодкорлар фаолиятини рағбатлантириш ва халқимизга яқиндан таништиришдир.

"Объективда – номоддий маданий мерос" мавзуидаги кўрик-танловнинг республика босқичига мамлакатимиздаги фото ва видео ҳаваскорларининг икки юздан ортиқ ижодий иши тавсия этилди. Уларда миллий маросим ва урф-одатларимиз ифодаланган.

Кўрик-танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами арафасида эълон қилинади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ЎПҚОН

Халқимизда "Шохига урсанг, туёғи зирқирайди" деган гап бор. Айтмоқчи бўлганимиз, ҳикоя қилинаётган қилмишқидирмишлар ҳақида эшитган ҳар қандай киши бир сесканиб, қалбига оғриқ кириши, вужуди зирқираши табиий. Лекин ҳақиқат аччиқ бўлса-да, ёлғондан яхшироқ дейишади.

Вилоятимиздаги коллежларнинг бирига раҳбарлик қилаётган Мукофотхон Йўлдошевани (исмлар ўзгартирилган) нафақат ўз шаҳри, балки вилоятда ҳам яхши танишарди. Ақли расо, тили бурро бу аёлнинг жамоат жойлари ва йиғилишлардаги чиқишлари, ваъз-насиҳатларини эшитганлар унинг бу қадар айёр, фирибгарлигини хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар керак. Мукофотхоннинг халқу давлат мулкини тап тортмай, ўзлаштириши агар пулга муҳтож, етим болалар бўлмаганда, ҳали яна қанча давом этарди, Худо билади. Аммо "қинғир ишнинг қийиғи" қирқ йилда ҳам кўриниб қолар экан. Нафси ўпқон директорнинг қилмишлари қайд этилган суд ҳукмида шундай сатрлар бор:

"...Озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун ўтказилган 34 миллион 334 минг 405 сўм маблағ эвазига олган жуда кўп миқдордаги озиқ-овқатлар ўзининг ихтиёрида бўлганлигидан фойдаланиб, коллежнинг етим ўқувчиларига бермай, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилгач, коллеж етим ўқувчиларининг юқори турувчи ташкилотга ариза билан расман мурожаат қилишгани сабабли ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган"...

Шундан кейинги текширувлар юзага қалқиб чиққан сонсаноқсиз қонунбузарликларни фош этди. Ҳақиқатан ҳам нафс жиловини бўш қўйган кимса борки, охир-оқибат, қаттиқ қоқилади. Мукофотхон содир этган кирдикорларининг поёни йўқдек... Биргина директор жамғармасининг тақсимланиши бўйича ўзлаштирилган маблағ бир неча ўн миллион сўм экани айтишгагина осон! Амал курсисини соғин сигирга айлантириб олган бу аёлни коллеж ўқувчилари меҳрибон устоз, билимдон раҳбар сифатида ҳурмат қилишарди. Аммо бу ҳурматларга муносиб бўла олиш директорнинг қўлидан келмади, тўғрироғи у буни хоҳламади. Ахир жарақ-жарақ пул қаёқда-ю, андишаю виждон қаёқда?! Коллежда таълим-тарбия олаётган ўқувчилар орасида отаси ёки онаси йўқ, ёки умуман ҳеч ким йўқ етим болаларга давлат ажратган маблағ ва нафақаларни ҳам бермай, ўзлаштириб юборганига ҳамма ҳам ишонавермайди. Чунки, халқимизда "етимнинг ҳақи..." деган ибора бор. Бу унинг албатта жавоби бўлади, дегани.

Коллежда ўқиган етимлардан бири Андрей Юдиннинг сўзларига қараганда, у уч марта давлат томонидан етимларга бериладиган стипендия олган, аммо, битирувчи сифатида давлат томонидан энг кам иш ҳақининг 105 баравари миқдорида тўланадиган моддий ёрдамни эса директор турли баҳоналар билан ярмини олиб қолишга ҳаракат қилган. Яъни 1 000 000 сўмни бир ўқувчининг ўзидан олиб қолишни мўлжаллаган. Андрейнинг айтишича, у фақат 400 минг сўмни бериб, қолганини кейин бермоқчи бўлган. Шундан кейин коллежга бормаганлиги, ҳатто, дипломини ҳам ололмаганини айтиб, судда кўрсатма беради.

Бундай ноҳақликлар, қонунбузарликлар оқибатида Мукофотхон ўзлаштирган пулларнинг саноғига етиш қийин. Коллежга тегишли қимматбаҳо асбоб-ускуна, жиҳозлар (3 миллиард 66 миллион 68 минг сўмлик) ўз ўрнига қайтарилганда ҳам, директордан ундирилиши лозим бўлган 130 миллион 254 минг 288 сўм маблағ ортида қанчақанча ишчию хизматчи, ўқувчи ҳақи, давлат мол-мулки турибди. Бундай жиноят табиийки, жазосиз қолмади.

Ёш авлод тарбияси ишониб топширилган муассаса раҳбарининг 11 йилга озодликдан маҳрум этилиши, боз устига муҳлат тугагач, раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ушбу соҳа мутахассислари учун катта сабоқ бўлиши аниқ. Зеро, ўзгалар ҳақини талонторож қилиш, давлат мулки, табиий бойликларига зарар етказиш кечирилмас жиноятдир.

Раҳмон ИКРОМОВ.

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

АСОМ ҒАДАНГ СУКУТДА

– "Эрлари уйда қолиб,
Аёллари бозор қилур..."

Чорпоя зиналаридан кўтарилиб, даврадан ўрин олаётган Асом ғаданг маҳзун овозда ўқиган бу мисраларни эшитиб, Ҳомид оқсоқол жилмайиб кўйди:

– Ҳа, мулла Асомиддин, эртамертанда Муқимий домлани эслаб қолибсиз?

Ғаданг Оқсоқолга бир кўз ташлаб қўйди-да, "омин"дан сўнг жавоб берди:

– Бу мисраларни Домла юз йил илгари эмас, балки бугун ёзганга ўхшайдилар.

– Гапингиз айни ҳақиқат, – деди афсус билан Оқсоқол. – Айрим эркакларда орият, ҳамият, оила олдидаги масъулият кўтарилиб бораяпти.

– Кўшним Ҳабибуллага ҳайронман, – деди бир бурчакда тўнига ўралиб ўтирган Ҳаким ғаввос. – Қачон қарасанг, нафаси бадбўй. Ичкиликка мукка-сидан кетган. Хотин бечора тоғорада пиширик кўтариб, бозорда гирди-капалак. Эр эса, кеча кечда деворга икки қўли билан тиралиб, бешиктебратар бўлиб турибди. Ўтиб бораётиб, бундан кўра бозорга чиқиб ароба торт, деворишимга оз қолди.

– Ана, "Наврўз" маҳалласида бинойидек бир оила парокандa бўлди-кетди, – деди Акбар сатанг. – Хотин эрнинг топиш-тутишига қаноат қилмади. Бозорга чиқиб кетди.

– Бора-бора ўзини ҳам бозорга солди, – Сатангнинг гапини илиб кетди Учқур. – Қарабсизки, ёлғиз қизини қанотига олди. Улардан ҳеч бир юрт қолмади. Охири хотин оғир дардга чалинди, қизнинг қаёқдалиги номаълум. Мулла Қосим бу маломатларга чидай олмай, ярим-ёрти кўч-кўронини олиб, кўчиб кетди. Қосим меҳнаткаш, андишали сабр-қаноатли, ориятли эди. Гап уқмаган аҳли аёлининг юриш-туришидан ор қилиб кетиб қолди.

– Бир бора ҳаром луқмага ўргандими, одам боласи ўзини совуқ оловга ураверади.

Илёс маҳсумнинг бу фикри Ғадангнинг ғашини келтирди:

– Маҳсум, бир алданиб, жабрини тортиб, ўзини ўнглаб олаётганлар қанча, – эътироз билдирди у. – Ана, Комил кичкина тижорат билан шуғулланиб, бахтини топди. Келин билан Шўҳсой бўйига тегирмон қуриб, эл корига ярашаяпти.

– Тўғри, қийинчиликларни қаноат, ақл-идрок, сабр-бардош билан босиб ўтиш мумкин, – суҳбатга қўшилди боядан буён жим ўтирган Оқсоқол. – Тижорат билан шуғулланиб, юрт кезган борки, ҳаммасини чатоқ дейиш ноўрин. Асосийси, ор-номусни йўқотмасликда.

Давра бир муддат жим бўлиб қолди. Ниҳоят, яна Оқсоқол:

– Ҳамма гап тарбияда, – деб қўйди. – Ўғил болаларни ғайрат-шижоатли, рўзғор тебратишга қобил ва қодир қилиб тарбиялашда. Афсуски, баъзи ёшларимиз бугун бошқа таъсирлар йўриғига осон тушиб қолишаяпти.

– Ҳозиргина шаҳардан келдим, – деди Аҳмад НАТИ дўриллаб. – Автобусда икки бола ғашимга тегаверди. Сочларини заифона тараб олган, бирор нарса суртганми, ялтирайди. Қулоқларида қора тугмача. Гоҳида бир-бирига қош учириб, ҳиринглаб қўйишади. Сўрасам, ўзимизнинг Алим мелисанинг набиралари экан. Кейин суриштирдим. Оналари неча йилки, Ёркент томонларда муқим экан. Мол жўнатиб турармиш. Оталари уларни бозорларга тарқатармиш. Болалар тарбияси ўз ҳолича. Коллежга гоҳ бориб, гоҳ боришмасмиш. Эшитишимча, "игна"га ўрганиб қолишганмиш.

– Ана ҳолос, – деди Читтак. – Кексайганда Мелисага оғир бўлипти-да.

– Асли айб Мелисанинг ўзида, – деди Учқур. – Ёшликда юрди яккакифт бўлиб. Умри "кармон – тўла, калла – пўла" тарзида ўтди. Бойлигига ишониб, келинларни, ўғилларни вақтида қайтариб олмади. Ўйлади-ки, оққан дарё – оқаверади. Асло ундай эмас. Ўзан бузилиб, сахроларга сингиб кетаётган дарёю жилғалар қанча.

– Жуда тўғри айтдингиз, Самад ака, – деди Оқсоқол. – Гап айрим эркаклар оила олдидаги бурчини унутиб қўяётганида.

Оқсоқол чойдан бир хўплаб, "хўш, сиз нима дейсиз", қабилида ёнида ўтирган Ғадангга қаради. У сукутга чўмганди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

caricatura.ru

БЕКАЖОН

БАЙРАМ ТОРТИ

Масаллиқлар: хамири учун: 3 дона тухум, 1 стакан шакар, 200 г сариёғ, 3 стакан ун, ярим чой қошиқ ош содаси озгина сирка билан сўндирилади, бир чимдим туз.

Креми учун: 0,5 кг олхўри, 1,5 стакан шакар, 1 та шоколад плиткаси, 1 стакан майдаланган ёнғоқ, 200 г сариёғ, 3 дона тухум сариғи.

Тайёрланиши: Тухум чақилиб, устига 1 стакан шакар солиб, аралаштирилади. Юмшатилган сариёғга ун, сода, туз солиб юмшоқ хамир қорилади. Сўнг у учга бўлиниб, тайёрланган коржлар духовкада пиширилади олинади.

Крем тайёрлашда эса олхўри яхшилаб ювилиб, устига озгина сув қўшиб (сув олхўри устини ёпиб туриши керак), бир оз қайнатилади. Оловдан олиб совутилгач, меваси данакларидан ажратилади ва қайнатилган сувга қайтадан солиб пиширилади. Тайёр ҳолга келгач, ўртача катталикда тўғралади. Яна сувига солиб, 1 стакан шакар билан бирга қайнатилади. Масса қуйилгач, уни оловдан олиб, озгинасига кичик шоколад бўлагини солиб, аралаштирилади. Сариёғни учта тухум сариғи билан кўпиртирамиз. Массани кўпиртирган ҳолда оз-оздан олхўрили шоколад қўшилади. Қачонки, крем кўпирган ва юмшоқ ҳолга келган бўлса, унга майдаланган ёнғоқ қўшилади. Кремни қалин қилиб коржлар устига сурилади.

Тайёр тортнинг усти крем, майдаланган шоколад, ярим бўлакли ёнғоқ, олхўри билан безатилади.

"ENERGOMAHSULOT" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 98200,0 сўмдан 49100,0 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

"MAGNUS ALFA FARM" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"ARKONI ZAFAR" масъулияти чеклнаган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6569. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345